

Нўъмон ибн Башир розияллоху анхудан ривоят қилинади: «**Набий соллаллоху алайхи васаллам:** «Албатта, ҳалол очик-ойдиндир, ҳаром ҳам очик-ойдиндир ва иккови орасида шубхали нарсалар бордир. Уларни кўп одамлар билишмайди. Демак, ким шубхалардан сакланса, дини ва обрўси учун покланган бўлади. Ким шубхаларга тушса, ҳаромга тушади. Бу худди кўрикхона атрофида (хайвон) боккан чўпонга ўхшайди, ундан ўтлатиб кўйиши осон.

Огоҳ бўлингки, ҳар бир подшоҳнинг ўз кўрикхонаси бордир. Огоҳ бўлингки, Аллохнинг кўрикхонаси Унинг ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлингки, жасадда бир парча гўшт бор, у соғлом бўлса, жасаднинг ҳаммаси соғлом бўлур, у касал бўлса, жасаднинг ҳаммаси касал бўлур. Огоҳ бўлингки, ўша нарса қалбдир», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф энг улуг ҳадислардан, унинг улуглиги шундаки, Пай-гамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам унда ёмоқ, ичмоқ, қиймоқ, никоҳдаги ва бошқа ҳамма соҳалардаги нарсаларнинг ҳалол бўлиши қоидасини баён қилиб берганлар.

Шунингдек, у зот бу ҳадисда ҳаром нарсаларни ҳам баён қилиб, ҳалолга уриниш, ҳаромдан ҳазар қилишга чақирадилар. Шу билан бирга, ҳалол билан ҳаромнинг ўртасида шубхали нарсалар борлигини, ким дини ва обрўсини пок саклай деса, шубхали нарсалардан эҳтиёт бўлиши зарурлигини таъкидладилар. Шубхали нарсаларга яқинлашиш, худди подшоҳ ўзи учун хос қилган кўрикхона ёнида хайвон боқишдек ҳатарли эканини баён қилдилар.

Сўнгида эса бу жабҳада энг муҳим масала — қалб масаласи эканини, ҳалол-ҳаромда қалб соғлом бўлиши лозимлигини тушунтирадилар.

Имом Ибн Арабий: «Биргина ушбу хадиснинг ўзидан ҳамма ахкомларни чиқариб олиш мумкин», деганлар. Имом Куртубий эса: «Бу хадис халол ва бошка нарсаларни батафсил равишда ҳамда барча амаллар калбга боглик эканини ўз ичига олгандир. Шунинг учун ҳам барча ахкомларни унга кайтариб солиштириб кўриш мумкин», деганлар.

Энди хадиси шарифни тахлил қилиб чиқайлик: «*Албатта, халол очик-ойдиндир*». «Халол» сўзи лугатда «тугунни ечиш» маъносини билдиради. Шариатда эса, харомлик тугуни ечилган, яъни, харомлик сифати йўқ нарсага халол деб айтилади. Чунки харом нарсанинг ман қилиш тугуни бўлади. Халол нарсада ана ўша тугун бўлмайди.

Хадиси шарифда халол очик-ойдиндир, дейилиши жуда кенг маънони англатади. Аввало, нималар халол экани очик-ойдин: сув, сут, мева сувлари каби ичимликлар, нон, мева, полиз экинлари, Аллохнинг исми айтиб сўйилган халол хайвонлар гўштлари, рухсат берилган кийимлар ва никоҳга олинган аёллар халолдир.

Колаверса, ушбу нарсаларга ишончли, шариатда рухсат берилган йўл билан эга бўлиш лозим. Халол касб деганда, айнан шу маънода, яъни, халол нарсага халол йўл билан эга бўлиш хақида гап бормокда. Бу холат ҳам очик-ойдин, уни ҳамма билади. Халол меҳнат, мерос, хадя, икки тараф розилиги билан бўлган тижорат туфайли қўлга кирган мулк халол бўлади. Бу оддий хақиқатни билиш учун алоҳида тайёргарлик кўришнинг кераги йўқ. Мусулмон одам учун халол нарсани талаб қилиш, халолдан молу мулк топиш фарз хисобланади. Уламоларимиз ушбу хадиси шариф баъзи бир жохилларнинг дунёда сув ва набототдан бошка халол нарса қолмади, дейишларига раддиядир, шубха ва харомнинг доирасини кенгайтириш жохиллик ва илмсизлик аломатидир, деганлар.

Ўтган далил ва ҳужжатлардан келиб чиқиб, уламоларимиз ўзига харомлик сифати илашмаган ва касб қилиш сабабига харом ёки макрух иш аралашмаган нарсани мутлак халол, деб таърифлайдилар.

Демак, мусулмон киши ўзи халол бўлган нарсани шариатда халол қилинган йўл билан топиб фойдаланиши керак. Аллох таолонинг амри шу. Аллох таоло: «Эй одамлар! Ер юзидаги нарсалардан халол-покларини енглар. Ва шайтон изидан эргашманглар, чунки у сизларга очик душмандир», дейди (Бақара, 168).

Ейдиган нарсанинг халол бўлишига Ислом динида катта ахамият берилади. Жумладан, ушбу оятда ҳам бу нарса алохида таъкидланмокда. Ўтган ахли солихларимиздан Сахл ибн Абдуллох: «Нажот уч нарсада: халол ейиш, фарзларни адо этиш ва Пайгамбар алайхиссаломга эргашишдадир», деганлар.

Ояти каримада халол ризкларни ейишга зид килиб шайтоннинг изидан эргашиш саналмокда. Яъни бу, шайтоннинг йўлида юрганларгина халол емайдилар, деганидир. Шайтон инсонларга халол едирмаслик билан уларни Аллох таолонинг итоатидан чикаради. Шайтонга алданган нодон инсон эса халол-харомни фаркламайди, улкан гунох килаётганини ўзи билмайди, хатто хис этмайдиган даражага тушади. Унга харомни емасликни насихат килсангиз: «Нима бўпти есам?» дейди. Мана шу холи унинг шайтонга кул эканига бир далилдир.

Аллох таоло Моида сурасида: «Эй иймон келтирганлар! Аллох сизга халол килган пок нарсаларни харом килманг. Хадди-нгиздан ошманг. Албатта, Аллох хаддидан ошувчиларни севмас. Ва Аллох сизга ризк килиб берган халол-пок нарсалардан енглар. Ўзингиз ишонган Аллохга такво килинг», дейди (87-88-оятлар).

Бу ерда покиза ва халол нарсаларни харом деб хукм чикариш мумкин эмаслиги таъкидланмокда. Чунки хукм чикариш, жумладан, нима халолу нима харомлигининг хукмини чикариш ҳам Аллох таолонинг Ўзигагина хосдир. Аллох халол деган нарсани ким “харом” деса ёки Аллох харом килган нарсани ким “халол” деса, кофир бўлади. Бундай одам Аллохнинг илохлик сифатига, яъни, шариат хукмларини чикариш сифатига шерик бўлишга уринган хисобланади.

Шунингдек, бир киши ўзи учун ҳам бундай хукм-ни чикариб, диндорлик сифатини зиёда килишга уринса ҳам нотўғридир. Бундай иш динда хаддан ошиш хисобланади. Ушбу оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳам буни таъкидлайди.

Имом Ибн Жарир Табарий куйидагиларни ривоят килади: «Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам бир куни ўтириб одамларга насихат килдилар, аммо ортикча кўрkitмадилар. Сўнгра туриб кетдилар. Шунда у кишининг сахобаларидан баъзилари: «Агар янги бир иш килмасак, нима деган одам бўламыз. Насоролар ўзларига бир канча нарсаларни харом килишган, биз ҳам харом килайлик», де-йишди. Баъзилари ўзига гўшт ейишни харом килди, баъзилари соннинг юкори кисмини ейишни харом килди. Бошқалари кундузи овкат ейишни, яна бош-каси аёлларни ўзларига харом килди. Бу гап

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламга етиб борганида: «Аёлларни, таомни ва уйкуни ўзига харом килганларга нима бўлди?! Огоҳ бўлинглар, мен ухлайман ҳам, бедор ҳам бўламан, рўза ҳам тутаман, огзим ҳам очик бўлади. Аёлларни никохимга ҳам оламан. Ким мендан ўзини тортса, у мендан эмас», дедилар. Шунда Аллох таоло: «Эй иймон келтирганлар! Аллох сизга халол килган пок нарсаларни харом килмангиз. Хаддингиздан ошманг», оятини нозил килди.

Аллох таоло Ўзи белгилаб берганидан кам ишни килиш нуксон ва гуноҳ бўлганидек, Унинг белгилаб берганидан ортикча килишга уриниш ҳам тажовузкорлик ва гуноҳ хисобланади. Шу коидага кўра, Аллох таоло халол килиб кўйган нарсани ўзига харом килиб, ўзини ўша нарсадан тийиш билан гўё Аллохга курбат хосил килишга уриниш ҳам гуноҳдир. Чунки халол ва харом килувчи ягона Зот Аллох таолонинг Ўзидир.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Анас розияллоху анхудан килган ривоятда куйидагилар айтилади: «Уч кишидан иборат бир гуруҳ Пай-гамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг жуфти халоллари олдига у зотнинг ибодатлари хакида сўраб келишди. Бу ҳақда хабар берилганида Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг ибодатлари уларга оз кўринди ва «Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам каёқдалару, биз каёқдамиз, у зотнинг олдингию кейинги гуноҳлари магфират килинган», дедилар. Битталари: «Мен энди доимо кечаси билан намоз ўкиб чикаман», деди. Иккинчиси: «Мен доимо рўза тутаман, огзим очик юрмайман», деди. Учинчиси эса: «Мен аёллардан четда бўламан, ҳеч уйланмайман», деди. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам уларнинг олдига келиб: «Сизлар шу-шу гапларни айтдингизми? Аллохга касамки, ичингизда Аллохдан энг кўп кўркувчингиз менман ва Унга энг кўп такво килувчингиз ҳам менман. Лекин мен рўза ҳам тутаман, огзим очик ҳам юраман. Намоз ҳам ўкийман, ухлайман ҳам, аёлларга уйланаман ҳам. Ким суннатимдан ўзини тортса, мендан эмас», дедилар.

Шу билан Аллох таоло халол килган нарсаларни ўзига харом килиб онт ичиш ёки вазифа килиб олиш бекор килинди. Ҳамда ҳеч кимнинг Аллох таоло халол килган нарсаларни харом килишга ҳақки йўклиги таъкидланди.

Яна ҳадиси шарифнинг шарҳига кайтамыз. «Албатта, харом очик-ойдиндир». Яъни, махфий ёки билиб олиш кийин нарса эмас. «Харом» лугатда ман килишни англатади. Шариатда эса, ҳеч қандай шубҳасиз, очик-ойдин равишда ман килинган нарса харомдир.

Буни ҳам билиб олиш учун алоҳида тайёргарлик кўришнинг кераги йўқ. Арок, нажосат

тушган сув каби ичимликлар, чўчка гўшти, Аллохнинг исми айтилмай сўйилган хайвонлар гўшти, эркак кишиларга ипак кийимлар ва никохида бўлмаганлар ила жинсий алоқада бўлиш кабилар харомдир.

Шу билан бирга, ўзи халол бўлган нарсаларга шариатда ман килинган йўл билан эга бўлса, улар ҳам харомга айланиб қолади. Мисол учун, зулм, ўгрилик, рибохўрлик, алдамчилик, порахўрлик йўли билан топилган хар бир нарса, ўзи канча пок бўлса ҳам, топувчига харомдир.

Шунинг учун ҳам уламоларимиз мутлак харомни, ўзида харомлик сифати бор ёки ман килинган йўл билан топилган нарсадир, деб таъриф қиладилар. Мусулмон киши учун харомдан хазар қилиш фарздир. Аллох таоло мўмин-мусулмонларни харом йўл билан бировнинг молини ейишдан катъий равишда қайтарган. Аллох таоло Бақара сурасида: «Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун ҳокимларга гунохкорона ташламанг», деган (188-оят).

Бу ояти қаримада Аллох таоло мусулмонларни бир-бирларининг молини ботил — харом йўл билан емоқдан қайтармоқда. Ушбу ояти қаримани тушунтириш учун Абдуллох ибн Аббос розийаллоху анху: «Бу бир одам қарздор бўлади, лекин ўзига қарши ҳужжат йўқлигидан фойдаланиб, у молни олганидан тонади, дегани. Бировнинг молини харомдан еб, гунохкор бўлаётганини билиб туриб, ҳокимга арз қилади», деган эканлар.

Гўё ҳоким ҳукм қилса, гунох гунохликдан тушиб, харом мол халолга айланиб қоладигандек. Холбуки, ҳокимнинг ҳукми ила халол харом бўлиб қолмайди ёки аксинча бўлмайди. Балки ҳамма нарсани кўриб-билиб турувчи Аллох таолонинг ҳукми билан халол ёки харом бўлади. Ҳоким ҳамма нарсани кўра олмайди, била олмайди. У сиртдан кўрганига, талашаётганларнинг гапига, уларнинг ҳужжатига қараб ҳукм чиқаради.

Имом Бухорий Умму Салама розияллоху анходан ривоят қилган ҳадисда Пайгамбаримиз алай-ҳиссалом: «Мен бир одамман, холос. Талашганлар ҳузуримга келадилар. Баъзилари бошқаларидан кўра ҳужжати яхшироқ кўрсатиши, мен эса унинг фойдасига ҳукм қилишим мумкин. Кимга бир мусулмоннинг ҳақидан ҳукм қилиб берсам, у дўзах ўтидан бир бўлакдир. Хохласа олиб, хохласа қолдириб қетсин», деганлар.

Зохирга караб хукм чикаргани учун хоким гунохкор бўлмайди. Имом Куртубий «Оятдаги «ботил йўл билан емаслик»ка харомнинг барча турлари: кимор, алдамчилик, харом нарсаларни сотиб мол топиш, харом касбларни килиб мол топиш ва бошқалар киради», деганлар. Аллох таоло Оли Имрон сурасида эса: «Эй иймон келтирганлар! Рибони бир неча баробар килиб еманг. Аллохга такво килинг, шоядки нажот топсангиз», деган (130-оят).

Хофиз ибн Касир рахматуллохи алайх ривоят килишларича, берилган карзнинг муддати тугаб колганда карз берувчи карздорга: «Ёки карзингни тўла ёки рибони кўпайтир», дер экан. Тўласа, тўлади, бўлмаса, карз муддатини чўзиш эвазига рибонинг микдорини хам кўпайтирар экан. Хар йили шундай бўлавергандан кейин рибо бир неча баробарга кўпайиб кетаркан. Ушбу ояти каримада ўша холат муолажа килинмокда.

Нафси бузук баъзи кимсалар бу оятни ушлаб олиб, Аллох таоло Куръони каримда: «Рибони бир неча баробар килиб еманг», деган, демак, бир неча баробар оширмай, маълум фоиз еса бўлаверади, деган даъволарни хам килишади. Бу даъволар жохиллик иллатидир, Аллох таоло харом этган нарсани ўзига халол килиб олиш йўлидаги гаразли харакатдир. Холбуки, ояти карима вокеликдан келиб чикиб, жохилият даврининг энг ёмон одатларидан бирини аста-секинлик билан муолажа этмокда. Албатта, Аллохга такво килган ва бу дунёю у дунёда нажот топишдан умидвор бўлган одамлар рибохўрлик килмайдилар.

Айникса, мусулмон киши харом йўл билан молу дунё касб килишдан худди чўчканинг гўштини ейиш-дан хазар килгандек хазар килиши керак. Харом йўл билан молу дунё топган одам икки дунё-да шарманда бўлади. Бу дунёда азоб-укубат, турли бало-офатларга йўликиб, у дунёда жаханнам ичида туриб, корнига таом ўрнига оловни ейди.

«Ва иккови орасида шубхали нарсалар бордир». Яъни, халол билан харом орасида шубхали нарсалар бордир.

«У (шубхали) нарсаларни кўп одамлар билишмайди». Бундай нарсаларни шариат илмларини пухта биладиган уламоларгина биладилар.

Демак, баъзи нарсаларнинг халоллиги ҳам, харомлиги ҳам очик-ойдин билинмайди. Халол, дейин деса, харомга ўхшайди, харом, дейин деса, халолга ўхшайди. Бундай нарсалар шубхали нарсалар, дейилади. Асосий мушкуллик худди шу нарсалардадир.

«Шубха» сўзи лугатда «ўхшаш» маъносини билдиради. Яъни, шубхали нарса ўзидан бошқа нарсага ўхшашдек туюлади. Унинг аниклиги йўқ бўлади. Уламоларимиз халол ва харом бобидаги шубхали нарсани икки хил эътикодни такозо килувчи икки нарса содир бўлгани учун икки хил эътикодга сазовор бўлган нарса шубхали нарса, дейилади, деганлар.

Демак, шубхали нарсалар бир неча хил бўлади: 1. Бир нарсанинг халоллиги хақида бир томондан, харомлиги хақида иккинчи томондан далил келган бўлса, улардан кайси бири олдин экани билинмаса, у шубхали нарса бўлади. 2. Шариатда ҳукми баён килинган бўлса ҳам маш-хур бўлмагани учун қўпчилик билмайди. 3. Умумий маъно ёки киёсдан олинадиган ҳукм бўлиб, уламолар турлича тушунган нарсалар. 4. Шариатда мубохлиги ёки мубох эмаслиги хақида ҳукм келган, аммо вақтинчалик ёки доимий эканлиги хақида ихтилоф бор нарсалар.

Ёввойи эшак, ҳачир ва отга ўхшаш нарсаларнинг ҳукмини, халол ёки харомлигини мужтахид уламолар оят, ҳадис, ижмоъ, киёс ва бошқа фик-хий коидалар билан солиштириб ўрганиб чиқадилар. Сўнгра халол ёки харом экани хақида ҳукм чиқарадилар. Шундан кейин у халоллик ёки харомлик сифатини олади. Юқорида келтирилган фикрлар мазкур хайвонларнинг зотидаги халоллик ёки харомлик хақидаги маълумотларга асосланади.

Аммо зоти халол нарсани бирор кишига халол мулк бўла олишига тегишли шубхалар ҳам бир неча хил бўлади: Биринчи хили, халол ёки харом килувчи сабабда шубха пайдо бўлиши. Мисол учун, бир одам асли халол қушга ўк отди. Бу хилдаги овланган қуш аслида халол бўлади. Лекин отилган қуш сувга тушсаю, овчи уни сувдан олиб чиққанда ўлган бўлса, шубха бўлади. Қуш отилган ўк билан ўлдими ёки сувга тушиб бўғилиб ўлдими, билиб бўлмайди. Уламолар бу ва бунга ўхшаш шубхали ҳолатларга харомлик устун эканига фатво чиқарганлар.

Бундок шубхалар, айникса, халол билан харомнинг аралашиб кетишидан келиб чиқади. Мисол учун, бир дона харом ўлган хайвон гўшти битта ёки ўнта халол йўл билан сўйилган хайвонларнинг гўштига аралашиб кетса, ҳамма гўшт шубхали бўлиб қолади. Харом

гўшти ажратиб олишнинг имкони бўлмагани учун мазкур бир ёки бир неча маълум хайвон гўшти ҳам харом, деб эълон қилинади.

Яна бир мисол. Бир йигитнинг эмиқдош синглиси бор, унга уйланиши шариат ҳукми бўйича харом. Лекин ўша киз ким экани аниқ маълум эмас. Фақат бешта-ўнта ёки маълум адад кизлардан бири экани билинади, холос.

Шу ҳолатда шариат харом қилган кишини никохлаб олиш шубҳаси тугилади ва адад чегараланган бўлганидан, шубҳадан қочиб, уларнинг бирортасига ҳам уйланмаслик вожиб бўлади.

Иккинчи хили, чегараланган харом нарса чегараланмаган ҳалол нарсага аралашиб кетиши. Бу ҳолда ҳам шубҳа ҳосил бўлади. Лекин катта мушкуллик эътиборидан шариат бундок ҳолатларда ҳалолликни қолиб ҳисоблайди.

Мисол учун, ўзи билан эмиқдош бўлган киз шаҳарнинг кизларидан бири эканини яхши билади. Аммо ким эканини билиб бўлмайди. Шу сабабдан ҳамма аёлларни унга харом деб эълон қилинмайди, балки хоҳлаганига уйланаверади. Уламолар иттифоқи шундок.

Шунингдек, молу дунёга харом аралашгани маълум, лекин ўша харомнинг аниги номаълум. Шунинг учун олди-сотди ёки ёмок-ичмокни тарқ қилиш вожиб бўлмайди. Бундок бўлса, кишилар катта танг-ликда қоладилар.

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаи киромлар вақтларида рибоҳўрлик, ўғирлик содир бўлган, кўп молу мулкка аралашиб кетган, лекин пул муомаласи ёки ўғирланган нарсалар жинсидан бўлган ашёларни сотиб олиш ман қилинмаган. Уламоларимиз бунга ўхшаш нарсаларни сўраб-суруштириб, четлашга уриниш васвасадир, дейдилар.

Учинчи хили, чегараланмаган харом чегараланмаган ҳалолга аралашиб кетиши. Бундай пайтда харомлигига ҳужжат-далил бўлган нарсанигина харом, деб айтилади. Бошқа нарсалар ҳалоллик ҳукмини олади. Чунки шариат ҳукми бўйича аслида моллар ҳалолдир.

Кишилардаги фиск голибдир. Шариат коидаси бўйича асл билан голиб тўкнашиб колса ва голибнинг аник белгиси бўлмаса, асл устун келади.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам ва сахобаи киромлар даврида харомдан топилган мол-дунё, рибохўрлик фойдаси, ўлжадан беркитиб олинган нарсалар, баъзи таланиб олинган моллар аралашиб кетган. Хеч ким, мазкур нарсаларнинг харом холида халол молларга аралашиб кетишига карамай, бозорни ёпишга ёки олди-берди килмасликка амр килмаган. Хазрати Умар розийаллоху анху насроний аёлнинг идишидан тахорат килганлар. Сахобаи киромлар гайридин юртлардан келтирилган кийим-кечак ва бошка матоларни сотиб олиб ишлатар эдилар.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, шубхали нарсаларда етук олим кишилардан сўраб олиб тасарруф килиш керак бўлади. Аллох таолога шукрлар бўлсинки, ўтган мужтахид олимларимиз бундок масалаларни жуда хам яхшилаб хал этиб, китобларга ёзиб кетганлар.

«Ким шубхалардан сакланса, дини ва обрўйи учун покланган бўлади». Яъни, халоллигида шубха бор нарсадан сакланган одам дини ва обрўйини поклаган бўлади. Шунинг учун муайян шубхали нарсадан узокда бўлиши керак. Бу борада Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг: «Ўзингни шубхага солган нарсани тарк эт, ўзинг-ни шубхага солмаган нарсани ол!» деган гаплари коидадир.

Шубхали нарсага нисбатан муносабат бир неча хил бўлади:

1. Вожиб.

Ўзиники ёки ўзганики экани аник бўлмаган молни олмаслик.

2. Мустахаб.

Молининг кўпи харом бўладиган одам билан муомала қилмаслик.

3. Макрух.

Аллох таоло рухсат берган нарсаларни ва хадисларни олмаслик.

Имом Бухорий ва Имом Термизийлар ривоят қилган хадисда қуйидагилар айтилади:

«Укба ибн Хорис Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламга мен бир хотинга уйланган эдим, бир қора аёл келиб, мен билан хотинимни эмизганини даъво қилмоқда, у ёлгончи», деди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам ундан юзларини ўгириб олдилар. У ўз гапини у зотга иккинчи бор қайтарди. Шунда у зот: «Кандок қилиб?! Ахир, у икковла рингизни эмизганини даъво қилиб турибди-ку? Уни талок қил!» дедилар. Шубха тушгани учун шундок қилдилар.

Лекин шубханинг ҳам чегараси бор. Бўлиши қи-йин нарсаларни ўзига фараз қилиб, турли ҳаёллар билан турли шубхалар қилишни васваса, дейилади. Уламоларимиз бундай васвасага бир қанча мисоллар келтиришади. Бу юртда менинг қариндошларим ўтган экан, шу ердан уйлансам, билмай қариндошимга уйланиб қўймай, деб бутун бошли бир юртдан уйланишни тарқ қилиш, очик жойдаги сувни нажосат тушган бўлиши мумкин, деб ишлатмаслик, бирор қийимни менинг қўлимга тушишидан олдин нажосат теккан бўлиши мумкин, деб ювишга ўхшаш ишлар шулар жумласидандир.

Имом Куртубий: “Бундай ишлар пархезкорлик эмас, шайтоний васвасадир. Чунки буларда шубха маъносидаги ҳеч нарса йўқ. Бундай нарсаларнинг содир бўлиши шариатни билмасликдан қилиб чиқади”, дейдилар.

Албатта, бу шаклдаги васвасага берилиш Исломи шариати руҳидан узок нарсадир. Лекин муайян шуб-хали нарсалардан эҳтиёт бўлиш зарур. Шунинг учун ҳам хадиси шарифнинг давомида Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам бу нарсага алоҳида эътибор бермоқдалар:

«Ким шубхаларга тушса, харомга тушади». Яъни, халоллигида шубха бор нарсаларни олиб, еб-ичиб, ишлатиб юрган одам харомга тушиши турган гап. Чунки:
«Бу худди кўрикхона атрофида (хайвон) боккан чўпонга ўхшайди. Унда ўтлатиб кўйиши осон».

«Кўрикхона» деганда Ислон давлати бошлиги томонидан жиходга мириладиган ва давлат мулки хисобланадиган хайвонларни бокиш учун ажратиб, чегаралаб кўйилган яйловга айтилган. У давлат томонидан кўрикланади. Ким ўша яйловда ўз хайвонини бокса, коидани бузган хисобланади ва жазога тортилади.

Табиийки, мазкур кўрикхонага энг якин жойда хайвон боккан одамнинг хайвонлари кўрикхонага тушиши ва ундан ўтлаб кўйиши жуда хам осон. Чунки энг якин жойда турибди, бир харакат билан кўйми-молми ёки бошка хайвонми кўрикхона ўтидан ейиши ва эгаси жавобгар бўлиб колиши хеч гап эмас.

Шубхали нарсаларга якин юрадиган одамнинг холи хам худди шундай. Хохлаган лахзада, ўзи билмай колиб, харомни олиб, еб ёки муомалага киритиб кўйиши мумкин. Окибатда обрўйи тўкилиб, динига путур етиши хеч гап эмас. Шунинг учун хам динини, обрўйини пок холда саклаш ниятида бўлган киши шубхали нарсаларга умуман якинлашиши керак эмас.

Худди шу маънони яна хам кучлироқ таъкидлаш мақсадида Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам яна бошка бир мисол келтирадилар: *Огох бўлингки, хар бир подшоҳнинг ўз кўрикхонаси бордир.*

Ўша

кўрикхонада подшоҳнинг хайвонларидан бош-ка хар кандай хайвоннинг юриши катъиян ман килинган. Ушбу коидани бузган одам эса, тегишли жазога тортилган. Подшоҳнинг жазосидан кўрккан одам кўрикхонага ўзи хам якинлашмайди, хайвонини хам якинлаштирамайди. Эҳтиёт бўлмаган одам эса подшоҳнинг жазосига тортилиши хеч гап эмас.

Огох бўлингки, Аллохнинг кўрикхонаси Унинг харом килган нарсаларидир. Яъни, Аллох таоло харом килган нарсалари худди подшоҳнинг кўрикхонасига ўхшайди. Ким ўша харом килинган нарсаларга якинлашса, унинг харомга йўликиши осонлашади, харом ишни килган одам эса, Унинг жазосига учрайди. Харом ишни килган одам учун икки дунёда хам турли-туман жазолар бордир. Харом нарсаларни еган, улардан фойдаланган

кимсаларга бу дунёда согликлари бузилиши, турли бало-офатларга гирифтор бўлиши хамда охиратда ўзига яраша огир жазолар тайин килиниши мукаррар.

Харом йўлдан мол топганларга хам турли тан жазолари билан бирга, бало-офатларга йўликиш, ибодати ва дуоסי кабул бўлмаслик каби рухий-маънавий жазолар бор. Охиратда эса дўзах азоби бўлиши турган гап.

Огох бўлингки, жасадда бир парча гўшт бор, у соглом бўлса, жасаднинг хаммаси соглом бўлур, у касал бўлса, жасаднинг хаммаси касал бўлур. Огох бўлингки, ўша нарса калбдир», дедилар». Бу иктибосда «соглом» сўзи «касал» сўзига карама-карши маънода ишлатилганига эътибор беришимиз керак.

Калб бизнинг тилимизда «юрак» хам дейилади. Ушбу хадиси шарифда таъкидланишича, калб инсоннинг ёмон ёки яхши бўлиши учун асосий омил бўлар экан. Унинг ёмон ёки яхши бўлиши эса, халол ва харомга боғлиқ.

Ушбу хакикат кадим замонда фақат рухий-маънавий жихатдан тушунилган. Харомхўрлик килган одам гунохкор бўлиши ва охиратда дўзахга тушиши маъносидагина тушунилган. Хозирги кунда эса, юрак жисмимизни хаётда ва согликда тутиб турадиган нарса сифатида билинади. У ишлаб турса, жисмда хаёт бўлади, у соглом бўлса, жисм хам соглом бўлади, у хаста бўлса, жисм хам хаста бўлади, деб фикр килинади.

Аслида эса, хадисдан ушбу икки тушунчанинг умумлаштирилган маъноси тушунилиши лозим. Илмий равишда собит бўлишига караганда, Ислом шариатида харом килинган нарсаларни таом сифатида тановул килган одам хасталикка чалинар экан. Чунки Ислом зарарли нарсаларни харом килган. Харом нарса истеъмол килингандан сўнг танда конга айланади. Юрак эса, кон хайдайдиган аъзодир. Зарарли нарсалардан пайдо бўлган зарарли кон юракнинг хасталанишига сабаб бўлиши эса, илмий хакикатдир. Юрак хаста бўлгандан кейин эса, хадиси шарифда айтилганидек, жисмнинг хаммаси касал, бузук бўлади.

Худди шу холат ботиний калбга нисбатан хам хосил бўлади. Ўгрилик, порахўрлик, рибохўрлик, алдамчилик, боскинчилик каби харом йўллар билан ўзига мол-мулк топган одамлар гунохкор бўлишади. Мазкур гунохлар зарари эса, уларнинг ботиний калбларини

хаста килади. Харом-хўрлик давом этаверса, маънавий хасталик бориб-бориб, маънавий ўлимга айланади.

Шунинг учун ҳам калб жисмга нисбатан подшоҳ кабидир, дейилади. Подшоҳдан яхши амр чикса, фуқароларга яхши бўлганидек, юракдан яхши ниятлар чикса, жисмнинг бошқа аъзоларига яхши бўлади. Хар доим бўлганидек, хозирда ҳам ушбу буюк хадиси шарифни яхшилаб тушунишга, унга яхши амал қилишга жуда ҳам муҳтожмиз. Халол нима эканини билиб олиб, доимо халолга етишиш учун ҳаракат қилишимиз керак. Харом нима эканини яхшилаб билиб олиб, доимо ундан ҳазар қилишимиз лозим. Шубхали нарсалардан узоқда бўлиш жуда ҳам зарур. Уламолардан сўраб-суруштириб, халоллиги аниқ бўлган нарсани ўзимизга раво қўришимиз зарур. Агар уламолар шубхали нарсаларнинг халоллигига фатво бермасалар, унга мутлақо яқин йўламаслигимиз керак.

(“Ҳадис ва Хаёт”, 11-жуз, 12-33-бетлар).